

№ 170950

ХИЗМАТ КҮРСАТИШГА ОИД
ШАРТНОМА № NGT-05/21-2022

Бухоро шаҳри

"29" 11 " 2022 йил.

"Нефтгазтадқиқот" АЖ (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан, ўзининг устави асосида иш юритувчи жамият бошқарув раиси в.в.б. Н.М.Тошов бир томондан, "Шуртан ГКМ" МЧЖ (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан, ўзининг низоми асосида иш юритувчи Баш директор Ш.Ч. Асланов, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳакида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Буюртмачи" талабига кўра "Бажарувчи" "Шуртан ГКМ" МЧЖ технологик қурилмаларини ишлатиш бўйича доимий технологик регламентларни келишиш максадида экспертиза қилиш" номли (кейинги ўринларда "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилиши буюртмага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
2.1.2. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. Ўз буюртмасини бажариладиган ишлар техник топшириги бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
2.2.2. "Хизматлар"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарҳ бўйича, шартнома асосида ҳақ тўлаш.

2.3. "Бажарувчи" қўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.4. "Бажарувчи" қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. "Буюртмачи" билан тузилган шартнома мухрланиб, имзолангандан сўнг "Шуртан ГКМ" МЧЖ технологик қурилмаларини ишлатиш бўйича доимий технологик регламентларни NGH 39.0-014:2022 меърий ҳужжатининг 6.2.2 бандига асосан, келишиш учун экспертиза килади ва хулоаса беради.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси 169 050 000 (бир юз олтмиш тўккиз миллион эллик минг) сўмни ташкил этади. Кўрсатилган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага асосан бажарилган ишга қараб ҳисоб-фактураларда кўрсатилади.

3.2. "Буюртмачи" шартнома имзолангандан кейин шартнома умумий суммасининг 15 % аванс сифатида олдиндан тўлаб беради. Колган қисми қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган хизматлар яқунлангандан кейин амалга оширилади.

3.3. Хизматлар кўрсатиш муддати техник топширик шартларидан келиб чиқиб белгиланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу Шартнома бўйича ишларни (хизматларни) бажариш билан боғлиқ харажатлар ўз вактида ёки тўлиқ тўланмаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов микдорининг 0,4 % микдорида жарима тўлайди, лекин муддати ўтган тўлов микдорининг 10 фойзидан кўп бўлмаган микдорда.



4.2. Ишларни (хизматларни) тўлиқ ва ўз вақтида бажарилмаганилиги учун Бажарувчи Буюртмачига хар бир кечиктирилган кун учун бажарилмаган ишлар (хизматлар) миқдорининг 0,4 % миқдорида жарима тўлайди, лекин бажарилмаган ишлар (хизматлар) миқдорининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

4.3. Туланиши шарт бўлган жарималарни (жарима фоизларини) тўлаш, Томонларни ушбу Шартномани тузиш натижасида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

4.4. Томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий риоя килиш тўғрисида келишиб олдилар ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгардирлар.

5. ТОМОНЛАРНИНГ КОРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАЛАРИ.

5.1. Жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштириш (легаллаштириш) ва терроризмни молиялаштиришнинг халқаро хужжатларида назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳуқуқбузарлика қарши курашиш қонун хужжатларига кўра давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини-узи бошкариш органи ходимининг пора олиши, тижоратда пора олиш ёки пора беришда иштирок этиш каби харакатларни рад этиш, шартнома бўйича ўз мажбуриятларни бажариш доирасида томонлар амалдаги коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этадилар, кафолатлашда ўзлари, шу жумладан ходимлар, кафилланган шахслар, бенефициарлар ва бизнес шериллар, воситачилар, пудратчилар ёки шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар ушбу қонунга зид равишда харакат қиласлигини таъминлайдилар;

5.2. Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларга зид бўлган мақсадларда уларга таъсир ўтказувчи хар қандай шахслар, томонлар тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали таклифлар, ваъдалар бериш, товламачилик, сўровлар, пул, бошка қимматбаҳо буюмлар, мол-мулк, мулк ҳуқуки ёки бошка моддий ёки номоддий фойдаларни олишда, асоссиз устунликка эришиш ёки бошка ноконуний мақсадларга розилик беришдан воз кечадилар;

5.3. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш чораларини кўришни кафолатлайдилар. Томонлар қонун бузилишига оид гумонларнинг пайдо бўлиши ёки шартнома доирасида улар томонидан жалб қилинган томонлар, ходимлар, фойда олувчилар, аффилланган шахслар ёки бошка шахслар томонидан бузилиш эктимоли борлиги тўғрисида (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган холда) бир-бирларини ёзма равишда очиқ ва дарҳол хабардор қилиш мажбуриятини оладилар;

Шунингдек, агар томонлардан бири асосланган ҳолда ёки шубҳа остидаги бошка томон, унинг ходимлари, бенефициалари, шериллари ёки шартномани бажаришда иштирок этадиган бошка шахслар томонидан амалдаги қонунларнинг ва ёки ушбу шартноманинг коррупцияга қарши қоидалари бузилган бўлса, ушбу томон унга ёзма равишда сўров юборишига ҳақидидир. Талабнома келиб тушган бошлаб 10 (үн) иш куни ичida қонун бузилиш фактини рад қилувчи ёки тасдикловчи изоҳлар ва маълумотлар хужжатларни тақдим этиш талаби билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

5.4. Томонлар агар томонлардан бири ушбу боб талабларини бажармаган бўлса, шунингдек бошка томон бузилиш содир бўлмаганилиги ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдик олмаган бўлса ва томон коррупция хавфини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган бўлса, бошка томон ушбу битимни бир томонлама бекор қилиш, шунингдек унинг бажарилшини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

5.5. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишни талаб қилган томон томонидан етказилган зарарни қоплаш ушбу шартноманинг тегишли моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон шартномани белгиланган бир томонлама бекор қилиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

5.6. Агар келишув бўйича томон компания ходимларининг ҳатти-харакатларига ушбу шартномага ва ёки амалдаги қонунчиликка шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишига мажбураш фактларига дуч келса, томонлар бу ҳақда коррупцияга қарши қоидаларга зид бўлганилиги тўғрисида бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органиларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1 Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқсан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1 Шартнома томонлар томонидан имзоланиб, мухрлангандан сўнг қонуний кучга киради, хамда Томонлар ўртасида ушбу шартномага доир муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилгунга кадар амал қиласди

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Табиий оғат туфайли томонлар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажара олмасалар, қонун олдида жавобгар бўлмайдилар.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Ушбу шартнома бўйича ишларни бошлиш шартноманинг 3.2. бандида белгиланган олдиндан тўлов микдори “Бажарувчи”нинг банк хисоб-ракамига ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

9.2. Ушбу Шартномага киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар факат ёзма шаклда тузилган ва Бажарувчининг ва Буюртмачининг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.


9.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

9.4. Ушбу шартнома иккала томон имзолаганидан кейин кучга киради.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1 Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонларнинг бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

11. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БАЖАРУВЧИ”	“БУЮРТМАЧИ”
<p>“Нефтгазтадқиқот” АЖ Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шахри, И. Каримов кўчаси, 1-й х/р: 20210000700286547001 ИНН: 201188456 Банк номи: СКБ Амалиёт бошқармасининг Бухоро банк хизматлари маркази ОКЭД: 72190 МФО: 00440 Тел: (65)221-02-02; факс: (65) 221-20-20</p> <p>Бошқарув раиси в.в.б:  Н.М.Тошов (имзо)</p>	<p>“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ Манзил: Фузор тумани Шўртан кўргони х/р: 202100001040390010001 ИНН: 203195074 Банк номи: Миллий банк Қарши филиали ОКЭД: 35210 МФО: 00150 Тел: (75)220-02-27; факс: (75) 552-40-16</p> <p>Бош директор:  Ш.Ч.Асланов (имзо)</p>



Yeld 7/7 2018